

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИБРАГИМОВА НАРГИЗА САЙФУТДИНОВНА

**КОМОРБИД ПАТОЛОГИЯ ШАРОИТИДА ТЕРИ ҚИЧИШИНИНГ
КЕЧИШИ, ДАВОЛАШ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ КЛИНИК-
ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ибрагимова Наргиза Сайфутдиновна

Коморбид патология шароитида тери қичишининг кечиши,
даволаш ва уни олдини олишининг клиник-патогенетик
хусусиятлари 3

Ибрагимова Наргиза Сайфутдиновна

Клинико-патогенетические особенности течения, лечения и
профилактики кожного зуда в условиях наличия коморбидных патоло-
гий 21

Ibragimova Nargiza Sayfutdinovna

Clinical pathogenetic peculiarities of course, treatment and prevention
of skin itching in the condition of the presence of comorbid pathologies 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИБРАГИМОВА НАРГИЗА САЙФУТДИНОВНА

**КОМОРБИД ПАТОЛОГИЯ ШАРОИТИДА ТЕРИ ҚИЧИШИНИНГ
КЕЧИШИ, ДАВОЛАШ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ КЛИНИК-
ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib167 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Садиков Абдушукур Абдужамилевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хайтов Кахрамон Нажмитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хаджиметов Абдугафур Ахатович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Россия халқлар дўстлиги университети

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: +99871-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй.Тел./факс: +99871 - 262-33-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э. А. Шамансурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, кекса ёшдаги кишилар ўртасида тери қичишишининг тарқалиши кўпайиб у 60 фоизгача етиб, ҳаёт сифатининг пасайишига ва ижтимоий дезадаптацияга олиб келиши аниқланган. Катта ёшдаги беморлар гуруҳида сурункали тери қичишишини даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш тармоқлараро долзарб ва устувор тиббий-ижтимоий муаммо ҳисобланади, бу касаллик этиология ва патогенезининг ноаниқлиги, кенг тарқалганлиги, касалликнинг оғир ҳамда сурункали кечиши, ҳамда даволаш қийинлиги билан боғлиқдир.

Дунё олимларининг текширишлари бўйича тери қичишиши энг тарқалган дерматологик шикоятлар сирасига киради, бунда у нафақат дерматозлар билан оғриган беморларда, балки умумий характердаги касалликларда ҳам намоён бўлиши мумкин. Хусусан, Европанинг бир қатор етакчи тиббий-илмий марказларида қичишиш этиологиясида дерматологик, тизимли ва неврологик омилларнинг муҳим ўрин тутиши, қичишишни баҳолашда ксероз, дори воситаларига реакция ва нейропатияларини, қаришнинг асосий механизмларига оксидатив стресс, митохондриял дисфункция ва тери ҳужайралари апоптози кириши, ҳисобга олиш зарурлиги бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотларнинг натижаларига кўра, тери қичиши 60 ёшдан ошган аксарият кекса одамларда учрайди ва у беморларнинг уйқусизликка, депрессияга олиб келиши, хатто баъзи ҳолларда суицидга сабаб бўлиши кўрсатилган. Коморбид ҳолатларда ва ёшга боғлиқ инволюцион жараёнлар негизида тери қичишиши ривожланишининг ирсий мойиллиги ва патофизиологик жиҳатларини молекуляр-биокимёвий текширувларга асосланган ҳолда клиник кузатувлар ва илмий изланишларни олиб бориш долзарб йўналишларидан бири саналади.

Мамлакатимизда сўнги йилларда олиб борилаётган ислохотлар касалликларни самарали даволаш борасида аниқ йўналтирилган кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш, касаликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволашда ижобий натижаларга эришиш имконини берди. Бунинг натижасида ҳаёт давомийлиги эркаларда 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёлларда эса 75,8 ёшга узайди.¹ 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракат Стратегиясига биноан, мамлакат аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш кўзда тутилган. Тараққиётнинг янги босқичида ўз ечимини кутаётган вазифалар – фуқаролар соғлиғини сақлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, эрта ташхис қўйиш усулларини ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқишдир.²

¹ Ислон Каримов. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2015. 10-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Стратегияси тўғрисида» Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги «Кексаларни эъзозлаш йили Давлат дастури тўғрисида» ги ПҚ-2302 – сонли Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармон билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси», 2017 йил 12 июндаги ПҚ-3052 сонли Қарори «Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 31 июлдаги 563-сонли Вазирлар Маҳкамаси Қарори «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида дерматовенерология хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V-«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли сабаб ва патологик ҳолатлар туфайли юзага келувчи тери қичишиши соматик касалликларнинг ўз вақтида аниқланишида муҳим аҳамият касб этади ҳамда патоген омилларни бартараф этиш, бузилган висцеродермал боғламларни ва орган патологиясини тиклаш мақсадига йўналтирилган тиббий ёрдам учун йўналиш бўлиб хизмат қилади. Қатор кўпмарказли рандомлаштирилган изланишларда эндокрин, овқат ҳазм қилиш ва бошқа тизимларнинг ёш билан боғлиқ ҳолда ўзгариши тери ва тўқималар ҳолатига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши исботлаб берилган (Peeters R.P., 2008; Hogg J.S. et al., 2001). Ёш ўтиши билан коллаген молекулалари тизими деформацияси билан боғлиқ равишда терида ажинлар, қуришиш ва лентиго пайдо бўлади, тер ва ёғ безлари миқдори камаяди (Шабалин В.Н., 2009; Цветкова Г.М. ва ҳаммуаллифлар, 2005). Терининг боғловчи тўқималари асосининг бузилиши ва томирлар шаклининг ўзгариши орқали терида қон айланиши секинлашиб кератиноцитлар метаболизмини пасайтиради. Ёш ўтган сари юзага келувчи коллаген толаларининг деградацияси уларнинг номунтазам жойлашиши, боғламлари қалинлигининг бир хилда эмаслиги, уларда декориннинг камайиши билан намоён бўлади (Мантурова Н.Е., Кононов А.В., Городилов Р.В., 2010). Теридаги ёш билан боғлиқ ўзгаришларга эпидермисдаги атрофик жараёнлар ҳам қўшилади. В. Shyam фикрича, ксероз ва сурункали тери қичиши Хиндистонда кекса ёшли инсонларнинг анча кенг тарқалган муаммоларидан ҳисобланади. Ксероз ва тери қичиши беморларнинг тахминан 2/3 қисмида аниқланади. Уларнинг максимал даражада тарқалиши кекса ёшдаги одамларга тўғри келади. Полиморбид ҳолат туфайли

кексаларда тери қичишишини маҳаллий ва тизимли давоси муаммо туғдиради.

Кўпгина тадқиқотларда келтирилган маълумотларга кўра, кекса ёшдагиларда учрайдиган тери қичишиши этиопатогенетик жиҳатдан, бир томондан, организмдаги ёш билан боғлиқ ўзгаришлар, бошқа томондан – биргаликдаги (коморбид) ҳолатда юзага келувчи модда алмашинуви, иммунологик, биокимёвий ҳамда патоморфологик бузилишлар сабаб қилиб кўрсатилган (Адаскевич В.П., 2014; Ständer S., 2007; Berger T.G., 2013).

Ўзбекистанда тери қичишишининг айрим клиник ва патофизиологик жиҳатлари Х.Қ.Шодиевнинг (1985) паранеопластик тери қичишишига бағишланган тадқиқотларида; Н.Н.Тихонованинг (1991) қичийдиган дерматозлар (экземалар)даги нейрофизиологик жараёнлар ўрганилган тадқиқотларида, Н.Ю. Таланиннинг (1993) қичийдиган дерматозлар (экзема)нинг геронтологик ва иммунологик муаммоларига бағишланган ишларида ўз аксини топган.

Мазкур ҳолатлар кексаларда тери қичишишининг клиник-этиологик жиҳатларини комплекс ўрганиш долзарблигини, унинг ривожланишидаги хавф омилларини ўрганиш ва аниқланган метаболик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда даволашнинг дифференциацияланган ёндошувини ишлаб чиқиш заруриятини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда дерматоз ва ЖЙБЮИ патогенези, клиник кечилишининг замонавий ўзига хосликлари. Касалликни эрта аниқлашни такомиллаштириш ва замонавий даволаш усулларини ривожлантириш» номли, шунингдек, «Тиббиётдаги янги технологиялар, касалликларни аниқлаш, олдини олиш, даволаш усулларини яратиш ҳисобига аҳолини саломатлигини муҳофаза қилиш» номли ИТД-10, «Экзема ва аллергодерматозларни даволаш тактикасига асаб тизими типлари ва асцетилланиш фенотипини ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндошувни ишлаб чиқиш» (2014-2015 йиллар) номли АЁСС-2 амалий гранти асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёш билан боғлиқ, метаболик ва биргаликда кечувчи касалликларни ҳисобга олган ҳолда кекса ёшдаги беморлардаги тери қичишишини даволаш усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кекса ёшдаги беморлар гуруҳида тери қичишишининг клиник характеристикасини ва ҳаёт сифати ўзгаришини, терининг рН, себо- ва корнеометрия кўрсаткичлари бўйича функционал ўзгаришини баҳолаш;

тери қичишиши бўлган кекса беморларда нерв системаси ва вегетатив реактивликнинг типик ўзига хослигини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

кекса ёшдаги беморларда мелатониннинг суткалик экскрециясининг ўзига хослигини, унинг тери қичишиши ривожланишидаги аҳамиятини баҳолаш;

тери қичишиши бўлган кекса беморларда N-ацетилтрансфераза (NAT2) полиморфизмининг аллель вариантлари ва генотиплари частотасини аниқлаш;

олинган натижалар асосида кекса ёшдаги беморлардаги тери қичишишини индивидуал (дифференцирланган) даволаш усулларини ҳамда касалликнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тери қичишиши бўлган ва бўлмаган, ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий санитар бирлашмасининг 2-марказий поликлиникасида кузатувда бўлган 221 нафар кекса ва қари ёшдаги шахслар танланган.

Тадқиқотнинг предмети периферик қон, қон зардоби, кундалик сийдик, терининг ёғ ва тер безлари секрети саналади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ўтказишда умумклиник, функционал-инструментал, биокимёвий, иммунофермент, молекуляр-генетик ва статистик усуллар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

кекса ва қари ёшдаги шахсларда тери қичишишининг ривожланиши симпатик, парасимпатик нерв тизими мувозанатининг бузилиши, вегетатив адаптация ва вегетатив реактивликнинг ўзгариши ҳамда симпатик-адренал фаолликнинг сусайиши билан боғлиқлиги асосланган;

тери қичишиши мавжуд бўлган беморларда ацетилланишнинг тезкор фенотипини белгиловчи NAT2*5, NAT2*12 ва NAT2*13 ацетилланиш генотипларнинг қўпайиши билан бирга NAT2*7 нинг камайиши аниқланган;

ацетилланишнинг фенотиплари билан нерв системаси типларининг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, нерв тизимининг кучли типда тезкор фенотип, нерв тизимининг кучсиз типда ацетилланишнинг секин фенотипи ва оралиқ фенотипда эса нерв тизимининг фақат ўрта типи эга бўлган беморларда учраши аниқланган;

зарарланган терининг физик-кимёвий хусусиятларини ўзгариши (дегидратация, ксероз, тери ёғи гипосекрецияси ва тери рНи) билан қичишнинг кучайиши ва теридаги иккиламчи эффоресценциялар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги очиб берилган;

кекса ва қари ёшдаги шахсларда мелатонин экскрециясининг меъёрдан қўп пасайиши ва уни қичишиш пайдо бўлганида кучайиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нерв тизимини, вегетатив реактивликни ва мелатонин суткалик экскрециясини ҳисобга олган ҳолда кекса ва қари ёшдаги шахсларда тери қичишишини даволашга индивидуал (дифференцияланган) ёндашуви ишлаб чиқилган;

кекса ёшдаги шахсларда тери қичишишини комплекс даволашда мелаксенни киритиш ҳамда физиогел ва вегетотроп препаратларни индивидуал (дифференцияланган) ҳолда маҳаллий қўллашнинг юқори самарадорлиги исботланган;

тери қичишиши билан касалланган беморларда ҳаёт сифатини баҳолаш учун сўровноманинг қўлланилиши реабилитация чора-тадбирларини

ўтказишни оптималлаштириш, ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтирувчи омилларни бартараф қилиш, даволашнинг турли усуллари самарадорлигини баҳолашга асос бўлган;

ишлаб чиқилган индивидуал (дифференцияланган) даволаш ва профилактика тавсиялари беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичларини оширишга имкон бериб, стационар даволаниш муддатлари ва харажатларини қисқартириб, УАШ ва дерматовенерологлар ишини оптималлаштирган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, уларда замонавий, бир-бирини ўзаро тўлдирувчи клиник, биокимёвий, функционал-инструментал, иммунофермент, генетик ва статистик текшириш усуллари қўлланилганлиги, тери қичишишини даволаш, профилактика қилиш ва эрта аниқлаш усуллари такомиллаштириш, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти тери қичишиши ривожланишининг патогенезида вегетатив нерв тизими дисбаланси, ацетиллаш кўрсаткичлари, мелатонин даражасининг пасайиши ва терининг физик-кимёвий параметрлари ўзгариши ўртасида барқарор ўзаро боғлиқлик мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тери қичишиши мавжуд бўлган беморлар ўртасида N-ацетиллашнинг тезкор устунлиги билан NAT2 генотиби ва фенотиби ўртасида турлилик борлигининг аниқланиши тезкор N-ацетилаторларнинг дори воситалари ва канцерогенларга паст сезgirлигини ҳисобга олган ҳолда фармакологик терапияни индивидуаллаштириш ва оптималлаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Коморбид патология шароитида тери қичишининг кечиши, даволаш ва олдини олишнинг клиник-патогенетик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тери қичишиши мавжуд бўлган кекса ва қари ёшдаги шахслар ҳаёт сифатини аниқлаш усуллари» номли услубий тавсия тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 2 декабрдаги №8Н-р/621-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсия ремиссия муддатини узайтиради ва касалхонага ётувчи беморлар сонини камайтиради, бу эса ўз навбатида ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради;

тери қичишишининг даволаш ва реабилитация чора тадбирлари схемасини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, Тошкент вилояти ва Марғилон шаҳри тери-таносил диспансерида амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 12 февралдаги №8н-г/6-сонли хулосаси). Жорий

қилинган натижалар даволашнинг такрорий курсини ўтадиган беморлар сонининг 27,7 фоизга камайишига, тери қичишиши мавжуд бўлган беморларда стационарда даволаниш кунлари 3,2 кунга камайтиришга, ҳамда шифокорларга мурожаат қилишини 2 маротабага камайтириб, стационар ва амбулатор даволаниш харажатларини камайишига, уларнинг хаёт кечириш сифатини 1,5 маротаба оширишига имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МУНДАРИЖАСИ

Кириш қисмида тадқиқот ўтказишнинг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилди, мақсад ва вазифалар, тадқиқотнинг объекти ва предмети тасвирлаб берилган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари билан мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кекса ва қари ёшдаги кишиларда тери қичишишининг этиопатогенетик омиллари**» номли биринчи қисмида тери қичишишининг геронтология ва гериатрияси, этиология ва диагностикаси бўйича замонавий маълумотларнинг, ариламин-N-ацетилтрансфераза ва мелатониннинг кекса ёшдаги ва қари кишиларда патологик ҳолатларнинг юзага келишидаги роли, шунингдек, кекса ёшдаги кишиларда тери қичишишини даволашга маҳаллий ва хорижий адабиётлар бўйича замонавий ёндашувнинг принциплари таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Тери қичишиши бор беморлар тавсифи ва тадқиқотда қўлланилган усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва усуллари баён этилган. Тадқиқот Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий-санитар бирлашмасининг 2-марказий поликлиникасида кузатувда бўлган 221 нафар кекса ёшдаги ва қари шахсларнинг клиник-инструментал, ҳамда лаборатор текширувларига асосланган, беморларнинг ўртача ёши $72,0 \pm 1,14$ ёшни ташкил этади. Улардан 117 нафари (53 фоиз) да тери қичишиши касаллиги 6 ойдан 28 йилгача бўлган муддатни ташкил қилган (асосий гуруҳ). Назорат гуруҳи тери қичишиши бўлмаган 104 нафар

киши (47 фоиз) дан иборат бўлди. Кекса ёшлилар - 59,7 фоиз, қариялар - 36,6 фоизни, узок умр кўрувчилар - 3,6 фоизни ташкил этди. Шундан эркаклар - 115 нафар, (52 фоиз), аёллар эса - 106 нафар (48 фоиз).

Кекса ёшдаги ва қариялардан 206 кишида КИГ-тадқиқот ўтказилиб, Мо, АМО, ИН1, ИН2 кўрсаткичлари ҳисобланди ва ВНС тури (гиперсимпатикотония, симпатикотония, эйтония ва ваготония) ва вегетатив реактивлик (ВР) (адаптив-компенсатор жараёнларининг (АКЖ) бузилиши, зўриқиш, симпатикотониянинг устунлиги ва АКЖнинг сақланиши) аниқланди. Юрак ритмининг спектрал анализи қичишиш бўлган 35 нафар бемор ва назорат гуруҳидаги 20 нафар кишида ўтказилди, Index of Centralization, $IC \pm (HF+LF)/VLF$ ва вагосимпатик ўзаро таъсири LF/HF ҳисобланди. Нерв системасининг тури Е.П. Ильин (1972) методикаси бўйича «Теппинг тест»да аниқланди. Ацетиллаш генотиби ва фенотиби ЎзР ССВ гематология ва қон қўйиш илмий-тадқиқот институтининг молекуляр-генетик тадқиқотлар лабораториясида «SNP-экспресс» тизими ёрдамида тадбиқ этилди. Тери қичишиши бўлган 35 нафар (асосий гуруҳ) ва назорат гуруҳидан 30 нафар кишининг рН, тери ёғлилиги ва намлигини ўрганишни Cosmomed Skin-O-Mate (Германия) анализаторини қўллаш орқали ўргандик. Эпифизар гормон маҳсулоти - мелатонинни тери қичишиши бўлган 33 нафар (асосий гуруҳ) ва назорат гуруҳидан 27 нафар кишида кечки (уйкудан 1 соат олдин) ва тунги сийдик экскрециясига асосан ундаги асосий метаболит - 6-сульфаоксимелатонин (6-COMT) миқдори бўйича «Buhlmann 6-Sulfatoxymelatonin ELISA» (Швейцария) тест-тизими ёрдамида иммунофермент методи бўйича ўрганилди.

Даволаш 3 гуруҳда ўтказилди: 1-гуруҳ (n=20) – анъанавий даволаш (қиёслаш гуруҳи); 2-гуруҳ (n=20) – анъанавий даволаш + «Physiogel A.I»; 3-гуруҳ (n=20) – анъанавий даволаш + вегетотроп препаратлар + мелаксен + «Physiogel A.I» (асосий гуруҳ). Даволаш самарадорлигини клиник кўринишлар (қичишиш интенсивлигининг пасайиши, теридаги иккиламчи тошмаларнинг регресси), неврологик симптомларнинг ва лаборатор кўрсаткичлар динамикаси бўйича баҳоладик.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариацион статистика методи бўйича ўтказилди. Фарқларнинг ўртача тафовути Стьюдент мезонлари 95 фоизлик интервал ($p < 0,05$) асосида баҳоланди.

Диссертациянинг «**Кекса ёшдаги ва қари кишиларда қичишиш, корбормид ҳолатнинг ўзига хосликлари**» деб номланган учинчи қисмида шахсий тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган. Катта ёшдаги беморларда полиморбидлик икки ёки ундан ортиқ касалликлар, кўпроқ меъда-ичак тракти, эндокрин ва нерв тизими, овқатланишнинг бузилиши ва модда алмашинуви бузилиши ва ҳоказолар турли уйғунликда кечиши аниқланди. Қичишиш частотаси турли нозологияларда 36,6 дан 90 фоизгача тебраниб турди: янги пайдо бўлган ёмон сифатли ўсмаларда - 57,1 фоиз, рухий бузилишларда - 59,6 фоиз, нафас йўли касалликларида - 55,4 фоиз, гепатобилиар тизим хасталикларида - 55,2 фоиз, тери касалликлари анамнезида - 90,9 фоиз.

Қичишишнинг этиологик омилларида тери билан боғлиқ сабаблар 17,1 фоизни, системали - 43,6 фоизни, неврологик – 80,3 фоизни, рухий – 23,9 фоизни, комбинациялашган– 46,2 фоизни ташкил этди, 6 фоиз ҳолатда сабаб аниқланмади. Кенг миқёсли қичишиш 61,5 фоиз беморларда кузатилди, бош қисмидаги маҳаллий қичишиш - 7,6 фоиз, қўллардаги қичишиш -5,1 фоиз, юз ва бошда, оёқларда - 6,8 фоиз, бел қисмида - 12,8 фоиз, болдир, бел ва қоринда - 3,4 фоиз, аногенитал соҳада - 2,6 фоиз беморларда учради. Кучсиз интенсив қичишиш 9,7 фоиз беморларда, ўртача қичишиш - 30,8 фоиз, кучли қичишиш - 37,1 фоиз, қийновчи қичишиш - 23,1 фоиз, чидаб бўлмас даражадаги қичишиш - 40,7 фоиз беморда кузатилди. 9,4 фоиз беморларда терининг эксориациялари мутаносиб равишда қичишиш соҳасида кузатилди.

5 йилдан ортиқ қичишиши бўлган беморларда (6,8 фоиз) лихенизация (17,9 фоиз), гиперпигментация (57,3 фоиз), эксориация кучайиши даврида (80,3 фоиз) қичишиш интенсивлигини характерловчи ҳолат кузатилди. 21,4 фоиз беморларда куннинг ва мавсумнинг вақтидан қатъий назар доимий қичишиш бўлган; 30,8 фоиз беморда қичишиш даврий равишда юзага келган, 26,5 фоизда - асосан кечқурун, 11,1 фоизда - кундузи, 10,3 фоизда қичишиш мавсумга боғлиқлик кузатилган.

Терининг қуруқлиги 26,5 фоиз беморларда кузатилди ва иккиламчи ўзгаришларнинг ифодасида боғлиқлик кузатилмаган. Себометрия натижалари бўйича 100 фоиз беморларда тери ёғининг секрецияси зарарланиш ўчоғи соҳасида сезиларли даражада пасайди ва зарарланмаган соҳалардаги ўртача $24,4 \pm 1,2$ мкг/см² га нисбатан $1,48 \pm 0,1$ мкг/см² ни ташкил этди, бу эса соғлом тери референт кўрсаткичи - 55 до 130 мкг/см² ва назорат гуруҳи кўрсаткичидан - $62,5 \pm 2,1$ мкг/см² паст бўлди.

Корнеометрия натижалари бўйича кекса ва қари ёшдаги кишиларда зарарланиш ўчоғида гидратация даражаси $15,8 \pm 1,1$ гача пасайди ва 4 дан 24 ш.б. гача, зарарланмаган тери соҳасида эса 32,0 гача тебраниб турди, нормада эса бу кўрсаткич 55 ш.б. ва ундан ортиқни ташкил қилади ($P < 0,01$). Назорат гуруҳида корнеометрия кўрсаткичи 16,7 фоиз беморда пасайди ($49,5 \pm 0,8$ ш.б.), қолганларда эса норма даражасида бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Дастлабки корнеометрия кўрсаткичлари (ш.б.)

Гуруҳлар	Нормадаги кўрсаткичлар	Соғлом тери	Зарарланган тери
Асосий гуруҳ, n=35	>55	$32,0 \pm 1,5^*$	$15,8 \pm 1,1^*$
Назорат гуруҳи, n=30		$68,4 \pm 0,8$	

Изоҳ: * - гуруҳлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончилиги ($P < 0,001$).


Интакт участкаларида тери рН 42,9 фоиз ҳолатда 4,5-5,5 чегарасида бўлди, 40 фоиз беморларда рН 5,6 ва ундан юқори бўлди, қичишиш касаллиги бўлган 17,1 фоиз кишиларда кислотали томонга силжиш кузатилди. Назорат гуруҳида нисбат тегишли равишда 53,3 фоиз - 36,7 фоиз - 10 фоизни ташкил қилди.

Шундай қилиб, кекса ёшдаги ва қари кишиларда эпидермал липидлар бузилган бўлиб, бунинг натижаси тери қопламларининг дегидратацияси саналади.

Юқорида қайд қилинганлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, текширилган барча беморлар ўртасида у ёки бу коморбид ҳолат аниқланган, жумладан, 80,3 фоиз ҳолатда қичишиш этиологиясида неврологик сабаблар аниқланган. Аксарият беморлар кучли, чидаб бўлмас ва азобловчи қичишишдан шикоят қилишган (59,8 фоиз). Корреляцион таҳлил асосида қичишишнинг оғирлиги ҳар доим ҳам соматик патологиянинг оғирлиги билан боғлиқ бўлмаслиги аниқланди. Қичишиши бўлган беморлар терисидаги патологик ўзгаришлар зарарланган ўчоқ юзасининг ниҳоятда қуруқлиги ва ёғ безлари секретининг деярли тўлиқ йўқлигини кўрсатади ва бу ҳолат эксориация ва пўст ташлашнинг турли кўринишлари билан биргаликда кечади.

Диссертациянинг «Тери қичишиши бўлган беморлар нерв системасининг типологик, молекуляр-генетик ва биокимёвий ўзига хосликлари» деб номланган тўртинчи бобида нерв тизими турларини белгилаш борасидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Нерв тизими ўзгариши жараёни 221 нафар беморда ўрганилди.

Нерв тизимининг кучсиз типи қичишиши бўлган асосий гуруҳ беморларининг (n=117) 76 нафарида (64,9%), ўртача – 16 нафарида (13,7%), кучли – 25 нафарида (21,4%) аниқланган. Назорат гуруҳидаги беморларининг (n=104) 52 нафарида (50%) кучсиз, ўртача – 31 нафарида (29,8%), кучли – 21 нафарида (20,2%) аниқланган (1-расм).



1-расм. Тери қичишиши бўлган беморлар ва бўлмаган кишиларда нерв тизими қўзғалиш жараёнларининг ифодаланиши (%).

Шундай қилиб, тери қичишиши бўлган кекса беморларда марказий нерв тизими кучсиз қўзғалиш жараёни юқори бўлди, бунда касалликнинг суст кечиши аниқланди ҳамда у кўпроқ қиш вақтларида кучайди. Нерв тизимининг кучли типиде касалликнинг кучайиши кўпроқ баҳорда, ораликда эса ёзда кузатилди. Тери қичишишининг оғир кечиши асосан нерв тизимининг кучли типиде кўпроқ учради, ўрта типиде эса маҳаллий қичишиш кузатилди ва енгил кечди.

КИГ кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили асосий гуруҳ беморларида (n=104) назорат гуруҳига нисбатан (n=102) Мо кўрсаткичларининг ва вариацион тебранишнинг (ΔX) пасайиш тенденциясини кўрсатди. АМо ва

вегетатив реактивлик ($p < 0,001$) кекса ёшдагиларда қариларга нисбатан статистик жиҳатдан ишончли тарзда кўпайди (2-жадвал).

2-жадвал

КИГ кўрсаткичлари, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, $n \pm 102$	Асосий гуруҳ, $n \pm 104$
Мо, сек	0,857 \pm 0,023	0,832 \pm 0,017
АМо, %	40,03 \pm 2,86	41,75 \pm 1,91
ΔX , сек	0,148 \pm 0,026	0,137 \pm 0,023
ИН1, ш.б.	296,63 \pm 22,66	382,07 \pm 31,32*
ВР	2,63 \pm 0,41	1,52 \pm 0,15*

Изоҳ: * - гуруҳлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончилиги ($P < 0,05$).

Назорат гуруҳида гиперсимпатикотония – 56,7 фоиз, симпатикотония – 23,3 фоиз, эйтония – 13,3 фоиз, ваготония – 6,7 фоиз беморларда бўлди. Қичишиш бўлган беморларда гиперсимпатикотониклар сони 1,32 мартага (74,6 фоиз) ўсди, шу жумладан, 18,2 фоиз беморларда гиперсимпатикотония кўзга ташланди. Симпатикотонияли ва эйтонияли беморлар қиёслаш гуруҳига нисбатан 2,14 ва 1,82 марта кам учради (тегишлича 10,9 ва 7,3 фоиз), ваготониклар 7,3 фоизни ташкил қилди. Гиперсимпатикотония кўпроқ кекса ёшлиларда (72,7 фоиз) ва қарияларда (54,5 фоиз) ҳолатда учради, коморбид патология билан биргаликда (гипертония касалликлари, атеросклероз ва бошқалар) келиши АКЖнинг кучли зўриқиши (46,7 фоиз) ва зўриқиши (23,3 фоиз) ҳолатда учради. Вегетатив асаб тизими (ВАТ) иккала бўлимнинг дисфункцияси кўпчилик беморларда аниқланди, улар орасида АКЖнинг кескин пасайиши 27,4 фоиз, АКЖ нинг кучли зўриқиши 65,4 фоиз беморларда учради.

Қичишишнинг интенсивлиги ва оғирлиги ВАТ ва ВР ҳолатига боғлиқ бўлди. Қичишиши бор беморларда ВРнинг икки асосий тури аниқланди: гипер- ва асимпатик – мутаносиб равишда 58 ва 33 фоиз. Нормал реактивлик 9 фоиз ҳолатда қайд қилинди. Қиёслаш гуруҳида улар мутаносиб равишда 47; 28; 25 фоизни ташкил қилди. Касалликнинг оғир ҳамда чидаб бўлмас қичишиш ва тез-тез қайталаниш билан кечишида кўпроқ асимпатикотония ва АКЖ бузилиши (40,3 фоиз), шунингдек, гиперсимпатикотония ва АКЖ зўриқиши (45 фоиз) кузатилди. Бошланғич симпатикотоник вегетатив тонусли кекса ёшдаги ва қари кишилар хавф гуруҳини ташкил қиладилар, чунки АКЖнинг келгусидаги зўриқиши уларнинг бузилишига (асимпатикотония) олиб келади. Реактивликнинг бундай типиди жараёнинг тарқалиши нормотоникларга нисбатан 22,3 фоиз ($P < 0,01$), симпатикотоникларга нисбатан эса 14,8 фоиз ($P < 0,01$) кўпроқ учради. Бошланғич ваготония ва нормал ВРда, шунингдек, бошланғич симпатикотонияда ВР сақланган ҳолатда, касаллик анчайин безарар кечди ва анъаний терапия билан яхшироқ даволанди. Олинган натижалар ва қонуниятга асосланганлик қичишиш оғирлигини прогноз қилиш ва КИГнинг олинган кўрсаткичларининг баҳолаш асосида беморларни олиб бориш усулини ишлаб чиқишда қўлланилди.

Шундай қилиб, КИГ кўрсаткичлари ўзгариши қичишиш оғирлигини

прогнозлаш ва мос терапияни танлашга имкон берувчи ВАТнинг регулятор функциясини баҳолашда информатив саналади.

Юрак ритмининг вариабеллиги кичишиши бўлган 35 нафар беморда ва назорат гуруҳининг 20 нафарида ўрганилди. Текширилганларнинг кўпчилигида (60 фоиз) нисбий симпатикотония, 33,3 фоиз - ВАТ бўлимларининг баланси, 6,7 фоизда ваготония қайд қилинди (3-жадвал).

3-жадвал

Текширилган беморларда юрак ритмининг вариабиллиги

Параметрлар	Асосий гуруҳ, n±35	Қиёслаш гуруҳи, n±20
LF	1689,2±105,4	1447,7±36,0
HF	3439,7±265,5*	1862,0±55,5
LF/HF	2,3±0,14*	1,28±0,16

Изоҳ: * - гуруҳлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончилиги P<0,001.

Асосий гуруҳнинг LF кўрсаткичлари қиёслаш гуруҳига нисбатан 1,2 баробар юқори бўлди ва 1689,2±105,4 ни ташкил этди. HF кўрсаткичи ҳам сезиларли даражада ошди (1,8 баробар, P<0,001) ва 3439,7±265,5 ни ташкил қилди. Олинган маълумотлар LF/HF нисбатига таъсир этди: асосий гуруҳда улар сезиларли даражада ўсди (1,8 марта, P<0,001) ва 2,3±0,14 ни ташкил этди, мазкур кўрсаткич қиёслаш гуруҳида 1,28±0,16 ни ташкил қилади. Симпатик-парасимпатик баланс кўрсаткичларини таҳлил қилганда, кичишиши бўлган беморларда 55 фоиз ҳолатда симпатик-парасимпатик дисбаланс учради, назорат гуруҳида эса 40 фоизни (P<0,05) ташкил қилди, яъни тери кичишиши, асосан, симпатик-парасимпатик дисбалансда ривожланади.

Тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичи ацетиллаш генотипини аниқлаш бўлди. Қиёслаш гуруҳида NAT2*4, NAT2*5, NAT2*6 ва NAT2*7 ацетиллаш генотипи устунлиқ қилгани аниқланди, улардан фақат биринчи ген тезкор ацетиллаш фенотипига таъсир қилди. Тери кичишиши бўлган беморларда NAT2*5, NAT2*12 ва NAT2*13 генотипларининг NAT2*7. пасайиши фонида бироз ўсиши кузатилди. NAT2*12 ва NAT2*13 генотиплари тезкор ацетиллаш фенотипини намоён қилиши боис, айтиш мумкинки, тери кичишишининг ривожланиши ацетиллаш жараёнининг кучайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ацетиллашнинг тезкор фенотипи назорат гуруҳининг 54 фоизда ва асосий гуруҳнинг 63,5 фоизда қайд қилинди, секин тури тегишлича - 38 ва 30,8 фоиз, оралик - 8 ва 5,8 фоиз бўлди.

Тадқиқот учун танланган генотипларнинг тақсимланиши мазкур ДНК-маркер учун Харди-Вайнберг мувозанати (ХВМ) қонунига асосан жойлашган. NAT2 генининг rs1799929 полиморфизми ўрганилган беморлар ва назорат гуруҳларида 481Т/Т функционал салбий генотипнинг жуда паст частотаси билан характерланади. Беморларнинг тадқиқот гуруҳида мазкур генотипнинг кузатилаётган частотасининг кутилган кўрсаткичларга нисбатан сезиларсиз даражада ўсиш тенденцияси кузатилди. Популяция гуруҳида, 481Т/Т функционал салбий генотипи частотасининг кутилаётган ва

кузатилган фарқи сезиларли бўлишига қарамай, фарқ ишончсиз бўлди. Беморлар гуруҳида С/С нормал генотипининг кузатилган частотаси назарияга қараганда ишончсиз равишда юқори бўлди. С/Т гетерозигот генотиби учун унчалик юқори бўлмаган назарий гетерозиготлик аниқланди, мазкур генотипнинг кузатилаётган частотаси эса назорат гуруҳида кутилганига нисбатан ишончсиз равишда юқори бўлди.

Беморларнинг тадқиқот гуруҳида назарий ва аниқ гетерозиготлик частотаси ўртасидаги тавофут солиштирилганда шу аниқландики, мазкур маркер гомозиготнинг ҳаддан ортиқ даражада кўплиги ҳисобига гетерозигот этишмаслигининг юқори даражадаги индексига эга ($D \pm 0.06$). Аммо, назорат гуруҳида кузатилаётган мазкур полиморфизмнинг гетерозиготлиги кутилаётганидан кўра юқори бўлди ($D \pm 0.2$), бу эса гетерозиготларнинг назарий жиҳатдан ҳисобланган эмас, балки кузатилган юқори частотасидан далолат беради. Беморлар ва назорат гуруҳидаги аллеллар ва генотиплар частотаси тақсимланишининг таҳлили вақтида сезиларли статистик фарқлар аниқланмади. NAT2 генининг 481С/С типидagi гомозигот частотаси соғлом донорларда беморларга нисбатан сезилар-сезилмас даражада юқори бўлди, 481ТТ мутант аллелнинг гомозигот частотаси, аксинча, назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончсиз даражада юқори бўлди.

NAT2 генининг rs1799929 полиморфизми аллел ва генотиплари частотасининг тақсимланиши ХВМга мувофиқ келади. Тадқиқот олиб борилаётган беморлар ва назорат гуруҳлари гетерозиготлик ва генетик ўзгарувчанликнинг ўртача даражаси билан характерланди. Мазкур полиморфизмнинг нисбатан унча юқори бўлмаган гетерозиготлиги (H_{exp} и H_{obs}) олинди, бу, эҳтимол, ушбу полиморфизм нисбатан «ёш»лиги билан боғлиқ бўлса керак. Олиб борилган текширувлар натижасида NAT2с гени rs1799929 полиморфизми қичишиш ривожланиши билан ўзаро боғлиқлиги аниқланмади, бироқ, сурункали қичима билан оғриганлар орасида 481Т/Т функционал ёмон сифатли генотиби частотасининг ўсиб бориши қайд этилди.


Тери қичишиши бўлган беморларда А/Г гетерозит генотип частотасининг ошиши (назорат гуруҳидаги 23,1 га нисбатан 47,8), шунингдек, G/G мутант гомозигот генотиби частотасининг ошиши (назорат гуруҳидаги 0,0 га нисбатан 4,4) аниқланди. Агар тери қичишиши бор бўлган беморларда гомозигот генотипнинг бутунлай йўқлиги сабабли G/AN-ацетилтрансфераза 2 (590G>A Arg197Gln NAT 2) rs1799930 гетерозигот генотипининг тарқалиш частотаси бироз ошиши қайд этилган бўлса, Glu286Glu G857A NAT 2 rs179993 гени учун - А/А гомозигот генотиби бутунлай бўлмагани ҳолда G/A гетерозигот генотиби тарқалиш частотаси сезиларли даражада пасаяди (4-жадвал).

